

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЕР ВА СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ БОШҚАРИШ



Амирор Лочинбек Файзуллаевич<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Тошкент давлат иқтисодиет университети

Фалсафа фанлари доктори (PhD)

Ўзбекистон, 100066, Тошкент шаҳар, Ислом Каримов кўчаси, 49

**Аннотация:** Мақолада мамлакатимизда ер ва сув ресурларидан фойдаланиши бошқариш масалалари кўриб чиқилган. Ер ва сув ресурсларидан фойдаланиши бошқариш тамоилилари ва хусусиятлари, республикамиизда уни такомиллаштириш омиллари, муаммолари ва имкониятлари тадқиқ этилган. Ер ва сув ресурсларидан фойдаланиши бошқариш ва тизимни янада такомиллаштириш, ирригация ва мелиорация лойиҳалари самарадорлигини таъминлаш, ишлаб чиқаришни илм-фан билан узвийликда олиб бориш хусусида муаллифнинг фикрлари жамланган.

**Калим сўзлар:** ер ва сув ресурслари, бошқариш тамоилилари, ер-сув ресурсларини бошқаришнинг барқарор усуслари, сув ресурсларидан самараали фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг сув таъминоти.

**Аннотация:** В статье рассматриваются вопросы управления использованием земельно-водных ресурсов страны. Изучены особенности и принципы управления использованием земельно-водных ресурсов, определены факторы их совершенствования, выявлены проблемы в этой сфере и предложены пути их решения. Обобщены мнения автора, по поводу обеспечения эффективности ирригационно-мелиоративных проектов, а также интеграционных особенностей науки и производства.

**Ключевые слова:** земельно-водные ресурсы, принципы управления, стабильные методы управления земельно-водными ресурсами, эффективное использование водными ресурсами, водное обеспечение земельных угодий.

### Кириш

Мамлакатимиз мустақиллик йилларида ер ва сув ресурларидан фойдаланиш тизими тубдан ислоҳ қилинди, сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш ҳамда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тегишли қонунчилик базаси яратилди ва амалиётга жорий этилди. Бунинг натижасида сувдан лимит бўйича фойдаланишга ўтилганидан сунги 17 йил давомида бир гектар ҳисобига сув олиш ва суғориш сувини йўқотиш ҳажми камайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли фармонининг 1-иловасида келтирилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” да “суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация обьектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усувлар, аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникасидан фойдаланиш” вазифаси қўйилди [1]. Ушбу устувор вазифаларни самараали ҳал этиш сувни етказиб бериш, сувдан оқилона ва тежамли фойдаланишни бошқариш механизмларини бозор муносабатлари шароитига мос равишда такомиллаштириш зарур ҳисобланмоқда.

Мамлакатда қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш механизмлари, фермер хўжалигини юритиш учун ер участкасини бериш тартиби, ветеринария, ўсимликлар карантини, уруғчилик, яйловлардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни такомиллаштириш, ер ва сув тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш орқали ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланмоқда.

Шу билан бирга, айтиш лозимки, бугунги кунда қишлоқ хўжалигини юритиш усулларининг эскириши натижасида, ер ресурсларининг тақчиллиги ортиб бормоқда. Ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишга ташқи омиллар, яъни иқлимнинг ўзгариши, аграр соҳанинг бошқа тармоқлар билан рақобати, ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг салбий таъсири кучайиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, мазкур тизимлар самарадорлигини ошириш учун таъсирчан чора-тадбирларни қўллаш заруратини кучайтириб бормоқда. Буларга: рағбатлантириш тизимида мавжуд ноаниқликларни бартараф этиш, ердан фойдаланиш шаклларини яхшилаш ва ресурсларга эга бўлиш имкониятини ошириш, ер-сув ресурслари билан шуғулланувчи институтларни мустаҳкамлаш, бозорга чиқиш ишончлилигини ошириш сингари тадбирларни мисол қилиш мумкин.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот жараёнида таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, статистик гурӯҳлаш, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан кенг фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ердан тўлиқ ва самарали фойдаланганлик даражасини маълум бир курсаткичлар тизими ёрдамида таҳлил килиш лозим. Кейинги йилларда ерлардан фойдаланишнинг самарадорлиги талаб даражасида эмас. Сабаби ерларнинг ирригация-мелиорация холати ёмонлашаётганлиги, илмий ва амалий жиҳатдан асосланган алмашлаб экиш тулиқ жорий этилмаётганлиги, суғориш иншоотларининг ишга яроклилик ҳолати пасайиши, ерлардан самарали фойдаланганлик учун рағбатлантиришнинг сустлигидир.

Бу ўринда қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ҳамда қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш Концепциясининг қабул қилиниши узоқни кўзланган давлат сиёсатининг давоми сифатида муҳим аҳамиятга эга ҳужжат бўлди [2].

Мазкур фармонга кўра, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ҳамда сув ва гидроиншоотлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилигини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва сотиш, логистика, маркетинг тизимларини ривожлантириш ҳамда ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда илм-фан, амалиёт интеграциясини жадаллаштириш назарда тутилган [2].

Президентимиз томонидан 2019 йил 9 октябрда яна бир муҳим ҳужжат – “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор имзоланди. Унга кўра, ирригация ва мелиорация лойиҳалари

самарадорлигини таъминлаш, сув хўжалигини бошқаришда бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш ҳамда соҳада илм-фанни ривожлантириш, замонавий сув тежовчи технологиялар жорий этишни янада кенгайтириш масалалари қамраб олинган [3].

Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижаси ўлароқ, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида, 2019 йилда 12,121 минг гектар пахта етишириладиган майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича 199 та фермер хўжалиги ва кластер ташкилотларида 11057 гектар майдонда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилиб, 7901 гектарда ишлар якунланган. Натижада 2851 гектар майдонда суғориш ишлари йўлга қўйилди. Бундан ташқари, тупроқ балл бонитети паст ва кам ҳосилли майдонларда тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда алмашлаб экиш тизимини жорий қилиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда [5].

2019 йилда ирригация объектларига 1 триллион 328 миллиард сўм, мелиорацияга 645 миллиард сўм маблағ сарфланиб, 590 километр канал, 126 километр лоток тармоқлари, 67 дона гидротехник иншоот, 7 та насос станцияси, 106 дона тик суғориш қудуқлари, 1 минг 72 километр коллектор-дренаж тармоқлари қурилди ва реконструкция қилинди. Натижада 302 минг гектар суғориладиган ер майдонининг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолати яхшиланди [5].

Шу пайтга қадар мамлакатимизда фақат пахтачилик, узумчилик ва боғдорчилик соҳасида томчилатиб суғориш технологияларини жорий этганларга давлат субсидиялари берилиб, ғалла, сабзавот, полиз ва озуқабоп экин етиширувчиларига эса бундай имтиёз кўзда тутилмаган эди. Барча турдаги сув тежовчи технологиялардан фойдаланувчиларни қўллаб-қувватлаш, бу борада сўнгги бир йилда амалга оширилган ишларни изчил давом эттириш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 25 октябрдаги “Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди [4].

Ушбу қарорга кўра, сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаш учун ажратиладиган субсидия миқдори қишлоқ хўжалиги экин тури, суғориш технологияси ва ернинг бонитет балидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Суғориладиган экинлар ҳосилдорлиги, қолаверса, ялпи маҳсулот ҳажми бевосита сув таъминотига боғлиқ. Сув ресурслари чекланган ва сув танқислиги давом этаётган ҳозирги шароитда сувдан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланиш, сув исрофгарчилигининг олдини олиш, сув ресурсларини бошқаришнинг устувор йўналиши ҳисобланади. Мана шу нуқтаи назардан суформа дәхқончиликда сувдан фойдаланишининг ҳозирги ҳолати ва унинг иқтисодий самарадорлигини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.

Юқоридаги фикрлармизга асосланган ҳолда айтиш мумкинки:

- сув исрофгарчилигининг давом этиши тармоқда иқтисодий ислоҳотлар суст давом этаётганлигидан далолат беради. Сувнинг йўқолишини бартараф этишга йўналтирилган ташкилий, иқтисодий ва маъмурӣ чора-тадбирларни қўллаш, бозор механизми ва тамойилларини кенгроқ жорий этиш давр талаби эканлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

- сүғориш тармоқларининг эскириши ва улардан фойдаланиш коэффициентининг пастлиги сувни йўқотишдаги асосий манба бўлиб қолмоқда.

- сувни тежовчи технологияларни жорий этиш сувдан мақсадли ва самарали фойдаланишга йўналтирилган стратегик мақсаднинг бош омили бўлиб хизмат қилмоғи лозим. Ушбу технологияларни кенг миқёсида жорий этиш мақсадида давлат томонидан рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш механизмини яратиш зарур.

Бу ўринда ер ва сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш тамойилларини ҳам ўрганиш лозим. Шу боис, бу жабҳада юқори самарадорликка эришиш, рақобатбардошликни ва барқарор ривожланишни таъминлай оладиган бошқарув тизимини шакллантириш мұхим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу нуқтаи назардан, сув ҳўжалигидаги ҳам иш фаолиятини менежмент асослари ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш зарур. Ана шуларни инобатга олган ҳолда, республикамизда табиатни муҳофаза қилишга оид сиёsat ва сувдан оқилона фойдаланишни бошқариш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар қўйидаги асосий тамойилларга асосланганлигини қайд этиш керак:

- атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашга аҳоли турмуш даражасини оширишнинг мұхим омили сифатида қараш ва уни қайта тиклаш бўйича ижтимоий, иқтисодий ҳамда экологик сиёsatни мувофиқлаштириш;

- табиатнинг айрим таркибий қисмларини муҳофаза қилишдан экотизимларни умумий ва комплекс равишда ҳимоялашга ўтиш;

- аҳолининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва унинг биологик хилма-хиллигини сақлашда фаол иштирокини таъминлаш;

- давлатлараро сув манбалари ҳамда сув ресурсларидан ҳамкорликда фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тўғрисидаги келишувга амал қилиш.

Сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш тизимининг таҳлили нафақат тизимнинг таркибий қисмлари, балки тизим фаолиятини мувофиқлаштириш имкониятларини аниқлашни тақозо этади. Бу ҳолат айниқса, сув ҳўжалиги бўйича тўғри қарорлар қабул қилиш ва унинг таъсир доирасини кенгайтириш, самарадорлигини оширишда мұхим аҳамият касб этади.

Сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш тизимининг асосий муаммоларидан бири мавжуд сув ресурсларининг истиқболдаги эҳтиёжларига мос келмаслиги, яъни эҳтиёжни қондира олмаслигидир. Ушбу муаммонинг ечимини сувдан фойдаланиш тизимини ишлаб чиқиш орқали топиш мумкин. Бу тизим сув сифати ва ҳажмига эҳтиёж, экологик хавфсизликни инобатга олган ҳолда қондириш имконини беради.

Таъкидлаш ўринлики, республикамизда сув ресурслари иқтисодий ва ижтимоий нуқтаи назардан номутаносиб тақсимланган, яъни аҳолининг яшаш жойи, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришининг жойлашуви ва бошқа меъёрларга мос эмас. Масалан, сув ҳавзалари яқин жойлашган ҳудудларда сув таъминоти юқори, ва улардан узоқлашган сайин сувга эҳтиёж ошиб боради. Ушбу эҳтиёж йилдан-йилга ошиб бораверади, чунки сув ҳажми кўпаймайди, аҳоли сони ҳамда майший хизмат, саноат, қурилиш ва бошқа соҳалар кўпайиб бормоқда. Шунинг учун, фикримизча, яқин истиқболда мазкур муаммони ҳал этиш учун қўйидаги йўналишларда тадбирлар мажмумини амалга ошириш зарур:

- сув исрофгарчилигини камайтириш йўли билан сувни иқтисод қилиш (айланма сув таъминотига ўтиш, сувдан тежаб фойдаланиш);
- суғоришнинг янги, истиқболли усулларини қўллаш ва суғориш тизими самарадорлигини ошириш;
- ер ости ва ер усти сувларини тўғри (вақт ва маконда) тақсимлаш;
- сифати бузилган сувларни тозалаш технологиясини жорий этиш;
- музлик ва тоғли ҳавзалардаги сув ресурслари захраларидан фойдаланиш имкониятларини топиш;
- ёғинларнинг пайдо бўлиш жараёнларига фаол таъсир кўрсатиш (Ўзбекистон Гидрометмарказ маълумотларига кўра, нисбатан катта бўлмаган яъни 100 км<sup>2</sup> гача бўлган майдонда ёғинлар пайдо бўлиши мумкин).

Шундай қилиб, сув ресурсларидан фойдаланишни бошқаришга таъсир этиш, асосан техник усуллар (сув оқимини бошқариш, уни бир жойдан иккинчи жойга ўтказиш, қўшимча маҳаллий ресурслардан фойдаланиш) ёрдамида амалга оширилади.

Бу ўринда қайд этиш лозимки, сув ресурсларини иқтисод қилиш ва сувдан самарали фойдаланишга бўлган таъсир қўйидагилар орқали амалга оширилади:

1. Сув ва сувдан фойдаланиш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлар.
2. Қонун ости ҳужжатлари: стандартлар, чегаравий кўрсаткичлар, қоида, меъёр, рухсатномалар ва лицензиялар.
3. Маъмурий усуллар (ягона, ҳудудий ва маҳаллий сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш);
4. Иқтисодий усуллар (сув ва оқава сувларни ташлагани учун ҳақ тўлаш, оқава сувларни ташлаш учун белгиланган меъёрларни бузганлики учун жарима солиш, ифлосланган сувлардан кўрилган заарларни ундириш, оқава сувларни тозалаш бўйича тадбирларни амалга оширишга дотация ва субсидияларни жорий этиш, янги ишлаб чиқариш технологияларни татбиқ этиш учун инвестицияларни жалб этиш ва бошқалар).

Бу ўрнида айтиш мумкинки, ер ости сувлари республикамизнинг барқарор ривожланишини таъминловчи муҳим стратегик захира ҳисобланади. Ушбу сув захираларини чиқиндилардан ҳимоя қилиш, ифлосланган ҳудудларни ихоталаш асосида чучук ер ости сувларининг аниқланган манбаларни, захираларини сақлаб қолишга интилиш XXI асрнинг муҳим стратегик вазифаси ҳисобланади.

### **Хулоса ва тақлифлар**

Фикримизча, сувни тежовчи технологияларни жорий этган сув истеъмолчилари учун рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш ва туман ҳокимларни томонидан сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этувчи ташаббускор фермер хўжаликларига амалий ёрдам кўрсатиш лозим.

Аграр соҳада сувдан фойдаланишнинг ўзига хос муҳим жиҳатларидан бири шундаки, сув экинлар экиладиган майдонга ер юзида жойлашган ирригация тармоқлари, яъни дастлаб магистрал каналлар, кейин хўжаликлараро каналлар ва, ниҳоят, хўжалик ичидаги суғориш тармоқлари орқали етиб боради. Ушбу жараён доимий назорат, яъни оператив бошқарувни талаб этади. Сувнинг доимий ҳаракатда бўлиши сув хўжалиги ходимларидан катта масъулиятни талаб этади. Энг муҳими, ушбу

жараёнда бир неча ўн минглаб сув ва қишлоқ хўжалиги ходимлари иштирок этади. Натижада катта меҳнат ресурслари, молиявий маблағлар сарфланади. Шу боис бошқаришнинг автоматлаширилган тизимиға ўтиш мақсадга мувофиқ. Ушбу тизим нафақат ресурсларни иқтисод қилиши балки сув исрофгарчилигининг ҳам олдини олишга ёрдам беради.

Сув ресурсларидан фойдаланишни бошқариш тизимининг мураккаблиги шундаки, уни бошқариш бўйича қабул қилинадиган қарорларнинг натижаларини олдиндан прогноз қилиш қийин, баъзан эса бунинг имкони ҳам йўқ. Чунки суформа дехқончиликнинг хусусиятлари хилма-хил ва кўп қиррали бўлиб, улар ўртасидаги алоқадорлик эса мураккабдир. Вақт ўтиши билан сув хўжалигини бошқариш, суформа дехқончиликни юритиш тизими такомиллашиб боради. Бу эса тизимга янгича ёндашувни тақозо этади.

Ирригация тизимларини модернизациялаш сув хўжалигига олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим истиқболли йўналишидир. Шу боис ирригация тизимлари бошқармалари ҳамда сув истеъмолчилари уюшмаларини замонавий сув хўжалиги техникалари, сувни иқтисод қилувчи технологиялар билан таъминлаш зарур.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда сувни тежовчи технологияларнинг кенг жорий этиши, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга хизмат қиласди.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун хўжжатлар тўплами, 2017 й, 6-сон, 70-модда
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли “Қишлоқ хўжалигига ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 октябрда ПҚ -4486-сонли “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллашириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 октябрдаги ПҚ-4499-сонли “Қишлоқ хўжалигига сув тежовчи технологияларни жорий этишни рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.